


Хайитов Хушвақт Сапарбаевич,

Келиб тушган сана 10 март, 2018
Эълон қилинган сана 20 май, 2018.

Ю.ф.н., доц.
e-mail: nasaf70@mail.ru

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-2-11>

ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИДА ЭКСПЕРТИЗА ИНСТИТУТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолага демократик ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда қонун ижодкорлиги экспертлик таъминотининг аҳамияти, қонунчилик базаси, экспертиза турлари ва уларни амалга ошириш зарурати ёритилган ҳамда экспертлик таъминотини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: экспертиза, эксперт, қонун ижодкорлиги, қонун лойиҳаси, қонунчилик техникаси, ҳуқуқий экспертиза, экспертиза ўтказиш механизми.

Аннотация: в статье раскрыта значения экспертного обеспечения законотворчества в укреплении правовых основ демократических реформ в Республики Узбекистан, законодательной базы, виды экспертизы, важность их реализации, а также разработаны предложения по совершенствованию механизм реализации экспертного обеспечения.

Ключевые слова: экспертиза, эксперт, законотворчество, проект закона, законодательная техника, юридическая экспертиза, механизм проведения экспертизы.

Annotation: this article sheds light on the significance of provision of lawmaking expertise service in strengthening the legal bases of democratic reforms in Republic of Uzbekistan, its legislative basis, kinds of expertise and their actuality. Some suggestions for improvement of the mechanism of realization of provision of the expertise have been made.

Key words: expertise, expert, lawmaking, draft laws, legislative techniques, legal expertise, mechanism of carrying out expertise.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида давлат ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида чуқур ўзгаришлар юз берди, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкам ҳимоя қилиш бўйича яхлит ҳуқуқий тизим яратилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

Фармонида асосан 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тасдиқланиши олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг

барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш учун асос бўлди [1].

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлини таҳлил этиш асосида янги-янги вазифаларни амалга ошириш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Мазкур йўналишда жамият турли тармоқларида тараққиётга салбий таъсир этаётган омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади. Ушбу вазифани таъминлаш қонун ижодкорлигида ўзига ҳос ёндашувни талаб этади. Бизнингча, қонун ижодкорлиги экспертлик таъминотини такомиллаштириш қонунчилик муаммоларни ҳал этишнинг таъсирчан усулидир. Чунки, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар экспертизаси уларнинг сифатини баҳолашнинг муҳим шакли ҳисобланади" [2].

Мамлакатимизда қонун ижодкорлиги экспертлик таъминотининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари яратилганлиги қайд этиш жоиз. Ушбу йўналишда бир қанча қонун ва қонун ости ҳужжатлари яъни, Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги, "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги, "Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиладиган қонун лойиҳаларини ва Олий Мажлис Сенатига тақдим этилган қонунларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш қоидалари, Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти, Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига

киритиш бўйича дастурларни тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторинги тартиби тўғрисидаги низом кабилар шулар жумласидандир [3].

Ҳозирда қонун лойиҳаларини кўплаб ҳуқуқ ижодкорлиги субъектлари томонидан экспертизадан ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонунининг 19-моддасига кўра, қонун лойиҳасини тайёрлаш учун лойиҳани ишлаб чиқаётган ташкилот (вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари) томонидан тайёрланади ва дастлабки экспертизадан ўтказилади. Шундан сўнг, лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ турли хил экспертизалардан ўтказилади.

Тайёрланган қонун лойиҳаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар томонидан ҳам эксперт баҳолашдан ўтказилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилади. Шундан сўнг, қонун лойиҳалари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатида қабул қилиш ва маъқуллаш жараёнида ҳуқуқий ва бошқа экспертизалардан ўтказилади. Сенат томонидан маъқулланган қонунлар Ўзбекистон Республикаси Президентига имзолаш ва эълон қилиш учун юборилади. Қонун имзоланиши ва эълон қилинишидан аввал Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида ҳам ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунининг 21-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси экспертизасини ташкил этишга оид муҳим қоидалар белгиланган. Унга кўра,

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт. Шу билан биргаликда, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқувчининг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг қарорига кўра иқтисодий, молиявий, илмий, экологик экспертизадан, шунингдек бошқа турдаги экспертизалардан ўтказилиши мумкин.

Шундай қилиб, қонун лойиҳаси тайёрланган вақтдан уни расман қабул қилингунча кўп босқичли текширувлардан ўтказилади. Қонун лойиҳаларнинг чуқур эксперт баҳолашдан ўтказилиши бежиз эмас албатта. Бу ҳақда О.А.Короткова асосли қайд этганидек, "Қонун лойиҳалари экспертизаси қабул қилинаётган қонунларнинг асослантирилганлиги, мувофиқлиги ва барқарорлигини таъминлашга, шунингдек, самарали, илмий асосланган қонунчилик тизимини шакллантириш, қабул қилинган қонунларда ижобий ва салбий ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа оқибатларининг акс этишини аниқлашга ёрдам беради" [4].

Мамлакатимиз ва хорижий мамлакатлар илм-фанида ишлаб чиқаришнинг муайян соҳаларини экспертлик таъминлашнинг аҳамияти ҳақида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Мазкур тадқиқотларда ҳозирги замон фанлари билимлардан жамиятнинг барча соҳаларида самарали фойдаланиш зарурияти тўғри қайд этилган. Хусусан, М.К.Нажимов ва Ш.Сайдул-лаевлар таъкидлашича, ушбу зарурият экспертократия, меритократия концепцияларида ўз аксини топган. Мазкур концепцияларга кўра, келажакда жамиятни оқилона бошқариш муаммолари профессионал ва ижодий бошқарув элитаси бўлган экспертларни шакллантириш йўли

билан ҳал этилиши мумкин [5]. Ушбу фикрини ижобий баҳолаймиз. Шунингдек, қонун ижодкорлигини кучайтиришга хизмат қиладиган экспертлик тузилмаларнинг фаолияти жуда ҳам зарур эканлигини қайд этиш лозим. Бунда экспертлар ўз асослантирилган хулосаларини мустақил тарзда шакллантиради ва вазиятни холис баҳолайдилар.

Мутахассислар экспертизани амалга оширувчи субъектга қараб экспертиза турлари фарқланишини асосли қайд этадилар [6]. Айталик, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрловчи давлат органи қарорига биноан давлат ташкилоти томонидан ўтказиладиган экспертиза, табиийки, давлат (ички) экспертизаси саналади.

Жамоат ташкилоти томонидан амалга оширилувчи экспертиза, уни ўтказиш тўғрисидаги қарорни давлат органи ёки муассасаси, ёхуд жамоат ташкилоти қабул қилишидан қатъи назар, жамоат (ташқи) экспертизадир. Ўзбекистон Республикаси-нинг "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунда жамоатчилик экспертизаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳалари фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига мувофиқлигини аниқлаш учун уларни ўрганиш ҳамда баҳолашдан иборат эканлиги белгиланган [7]. Уни ўтказувчи субъектлар бўлиб, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари иштирок этишлари мумкин. Ёки ваколатли органнинг мурожаати билан хорижий давлатлар ёки халқаро ташкилотлар илмий муассасалари томонидан ўтказиладиган экспертиза халқаро экспертиза ҳисобланади.

Жамият ҳаёти соҳа ва тармоқлари хилма-хиллиги, ижтимоий эҳтиёжларнинг ранг-баранглиги экспертизани турли асосларда таснифлаш, яъни турларга ажратиш имконини беради. Модомики шундай экан, экспертизанинг кенг тарқалган турлари орасида биологик, санъатшунослик, тарихий, юрислингвистик, халқаро-ҳуқуқий, илмий, патент, ҳуқуқий, криминологик, техник, филологик, молиявий, иқтисодий, этнографик, экологик йўналишлардаги экспертизаларни қайд этиш мумкин [8].

Қонун ижодкорлиги натижасида қабул қилинган қонунлар жамиятнинг барча соҳаларини тартибга солади. Шу боис мазкур жараёнга турли соҳалар бўйича махсус билимга эга бўлган экспертларнинг таклиф этилиши ва уларнинг хулосаси асосида қонун лойиҳаларининг такомиллаштирилиши қонунларнинг таъсирчанлиги ҳамда сифатини таъминлашнинг муҳим шартидир.

Қонун лойиҳалари экспертизаларини ушбу лойиҳаларнинг мураккаблик даражасига кўра ҳам таснифлаш мумкин [9]. Шундай қилиб, улар комплекс ва ихтисослаштирилган экспертизалар фарқланади [10]. Башарти қонун лойиҳаси қонун йўли билан тартибга солишнинг бир неча соҳасига дахлдор бўлса, тегишли соҳалар мутахассислари иштирокида комплекс экспертиза ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Қонун йўли билан тартибга солишнинг фақат бир соҳаси тармоғига тааллуқли бўлган қонун лойиҳаларига нисбатан ихтисослаштирилган экспертиза ўтказиш лозим бўлади.

Таъкидлаш лозимки, қонун ижодкорлиги жараёнида ўтказилувчи экспертизаларнинг аксарияти комплекс хусусият касб этади. Уларни ўтказишда қонунчиликнинг турли соҳаларига

ихтисослашган экспертлар иштирок этишади. Зеро, малакали мутахассис бўлган экспертлар соҳа (тармоқ) эҳтиёжларини, унинг камчиликларини, етилган муаммоларини яхши билишади. Шу билан бирга, бунда муайян соҳа ёки идоровий манфаатлар устун бўлишига йўл қўйилмаслик ҳам муҳим вазифа ҳисобланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари турларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, улар экспертизасини ташкил этиш қонун ижодкорлиги фаолияти сифати ва самарадорлигини янада ошириш имконини беради.

Бу ҳақда, ҳуқуқшунос Ў.Муҳамедов тўғри таъкидлаганидек, экспертиза турлари, шакллари ва вазифалари ҳамда ҳозирги фан ва техника имкониятларига суянувчи эксперт технологиялари, ранг-баранглигига қарамай, уларнинг ҳаммаси қонун доирасида амалга оширилиши ва эксперт фаолиятининг асосий принципларига бўйсунishi лозим [11].

Биз ҳам ушбу фикрга қўшилган ҳолда мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини экспертизасини ташкил этиш бўйича мазкур жараёнларни тартибга солувчи махсус "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари экспертизаси тўғрисида"ги қонунни қабул қилишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунки, экспертлик амалиёти қанчалик муҳим бўлмасин, айрим ҳолларда амалда унга етарлича эътибор қаратилмайди ёки экспертлик ишлари лозим даражада ташкил этилмайди. Оқибатта қонун лойиҳаларида кўплаб камчиликлар хусусан, ўзаро зиддиятлар, бўшлиқлар, мураккабликлар, асоссиз талаблар пайдо бўлишига йўл қўйилмоқда.

Бундан ташқари, мазкур фаолият билан шуғулланувчи тузилмаларни

ташқил этиш ёки амалда мавжудларининг фаолиятини такомиллаштириш муҳим вазифалардан биридир. Маълумки, қонун ижодкорлиги ташаббусини илгари сўришдан бошлаб уни қабул қилгунча қонун лойиҳалари чуқур таҳлиллардан ўтказилади. Ушбу жараёнларда махсус билимга эга экспертларнинг жалб этилиши қонун ижодкорлиги сифатини оширишнинг муҳим омилдир. Шунингдек, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича илмий асослантилган таклифларни ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган махсус илмий-тадқиқот тузилмаларини тузиш ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Қайд этиш жоизки, қонун ижодкорлигида экспертлик таъминотини ривожлантиришга хорижий мамлакатлар қонун ижодкорлигининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу ҳақда Т.М. Татишвили қайд этганидек, "Қонун лойиҳалари экспертлик таҳлилининг долзарблиги турли хорижий мамлакатлар қонунчилигида мустақамлаб қуйилган ва амалда кенг қўлланилади" [12].

Жумладан, АҚШ парламенти ривожланган экспертлик таъминоти тажрибасига эга эканлигини қайд этиш ўринли. АҚШ Конгрессининг қонунчилик, назорат ва вакиллик функцияларини амалга оширишга кўмаклашувчи Конгресс тадқиқот хизмати қонун лойиҳаларини асослашда муҳим рол ўйнайди. Ушбу тузилма 1946 йилги Легислатурани [13] қайта ташқил этиш тўғрисидаги қонунга асосан Қонунчилик ахборот хизмати тарзида тузилган ҳамда 1970 йилда Конгресс тадқиқот хизмати сифатида қайта номланган. Шундан буён, экспертиза Конгресс фаолиятида қабул қилинадиган муҳим қарорлар қабул қилишнинг ажралмас қисми сифатида эътироф этилади.

Конгресс тадқиқот хизмати барча Конгресс аъзолари ва қўмиталарини объектив, таҳлилий, тадқиқот маълумотлари билан таъминлайди [14]. Ҳозирги кунда Конгресс тадқиқот хизмати Конгрессдаги кенг кўламли ахборот-таҳлилий ёрдам тизимининг марказий қисмини ташқил этади ҳамда унинг таркибга иккита қўшимча ёрдамчи хизматлар - Бош ҳисоб бошқармаси ва Конгресс бюджет бошқармаси киритилган.

Эътиборлиси, ушбу муассаса экспертлари бирор бир партиёга аъзо бўлиши мумкин эмас ва улар мустақил, холис тадқиқот ўтказиш орқали экспертлик хизматларини кўрсатиши лозимлиги белгиланган.

Буюк Британияда асосий қонун ҳужжатларининг лойиҳалари қонунчилик ташаббусига эга бўлган айрим давлат департаментларида эмас, балки марказлаштирилган тартибда тайёрланади. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрича, бу ягона услубнинг сақланишига олиб келади ва шу тариқа икки хил талқин ва қимматга тушувчи суд жараёнларининг юзага келиш хавфини камайтиради. Шунга қарамай, қонуности ҳужжатлари, масалан, йўриқномалар асосан айрим департаментларда фаолият олиб боровчи юристлар томонидан тайёрланади. Шунингдек, қонунлар матнида кўпчилик томонидан маъқулланган ва кўпчилик қўллайдиган сўзлардан фойдаланилади. Агар қонуншунос махсус тушунчани ифодаламоқчи бўлса, қонуннинг ўзида унинг аниқ кўзда тутилган маъносини бериши лозим бўлади [15].

Қонун лойиҳаси Жамоалар палатаси (қуйи палатаси)да ва масбул қўмилада муҳокама эталётганда кўпинча мустақил экспертлар ва парламент таркибига кирмайдиган жамоатчилик

вакиллари иштирок этади. Жамолар палатаси муҳокамасида билдирилган камчиликларни тузатиш лойиҳа учун масбул қўмига юборилади. Лойиҳа қўмига қизгин муҳокама қилинади ва тегишли экспертизалардан ўтказилади. Лойиҳани ўзгартириш бўйича таклифлар Қўмига раиси томонидан танланади ва мазкур ўзгартишлар бўйича қўмига аъзоларигина овоз беришга ҳақлидирлар. Муҳокама бўйича киритилган ўзгартиш ва тузитишлар ҳақида даврий нашрларда кундалик ахборотлар бериб борилади. Бу эса қонун ижодкоригидан кенг жамоатчиликнинг хабардор бўлишида муҳим аҳмият касб этади.

Ушбу жараёни таҳлилий ахборот билан таъминлашда Жамоалар палатаси кутубхонаси тадқиқот хизмати муҳим вазифани бажаради. Яъни ушбу хизмат депутатлар ва бошқа ходимларни қонунчилик ва ҳукумат фаолияти устидан назоратни ташкил этишга оид таҳлилий материаллар тақдим этади. Шунингдек, у қонунчилик ва сиёсат соҳасининг муҳим масалалари юзасидан ҳамда кўп бериладиган саволлар ва масалалар бўйича илмий таҳлилий материаллар тайёрлайди [16].

Япония тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қонунчилик бюроси ўз ташаббуси ёки ҳукумат сўровига кўра қонунчиликни шарҳлаш билан боғлиқ илмий экспертизаларни амалга оширади [17].

Таъкидлаш лозимки, қонун ижодкорлигини ахборот-таҳлилий таъминлаш амалиёти Мустақил давлат ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар қонун ижодкорлиги тажрибасида ҳам кенг қўлланилмоқда. Хусусан, Украина Олий радаси девонининг Ахборот бошқармаси, Арманистон Миллий Мажлиси

девонининг Ахборот бошқармаси, Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Вакиллар палатаси девонининг Ахборот-таҳлил бошқармаси, Молдова Республикаси парламентининг Парламент тадқиқотлар ва жамоатчилик алоқалари Марказининг Ахборот-таҳлилий сектори, Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси девонининг Ахборот таъминот бўлими, Қозоғистон Республикаси Мажлиси девонининг Ахборот-таҳлил бўлими, Эстония Республикаси Рийгикоғуси девонининг Иқтисодий ва ижтимоий ахборот бўлими, Литва Республикаси Сейми девонининг Ахборот-таҳлил бўлими [18] кабилар қонун ижодкорлиги сифатини оширишда муҳим рол ўйнамоқда.

Таъкидлаш лозимки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлан-тиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналишлари қаторида қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш вазифаси келгуси беш йил давомида амалга ошириладиган долзарб вазифа сифатида белгиланган. Мазкур йўналишда қўйилган муҳим қадамлардан бири Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2017 йил 29 декабрдаги қўшма қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ташкил этилганлигидир [19].

Бироқ, тузилманинг ташкил этилиши ушбу йўналишдаги барча вазифалар удаланганлигини англамайди. Шу боис, ушбу тузилма фаолиятини ҳар

томонлама қўллаб-қувватлаш ва уни илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириб бориш ҳам талаб этилади. Галдаги вазифалардан бири қонун лойиҳалари экспертизаларнинг амалиёти ва услубиётини, бир сўз билан айтганда, унинг сифатини ошириш лозим. Шунингдек, ушбу йўналишда махсус илмий тадқиқотларни фаоллаштириш лозим.

Шу билан бирга, қонун ижодкорлиги экспертлик таъминотини яхшилаш орқали қонунларнинг сифатини янада ошириш ва қонун ҳужжатлари ҳаётийлигини кучайтириша хизмат қилувчи қуйидаги таклифларни илғари суриш ўринлидир:

Биринчидан, қонун ижодкорлигининг барча босқичларида экспертлик тузилмаларини тузиш ва улар хизматидан фойдаланишни кенгайтириш. Шу билан бирга, қонун ва норма ижодкорлиги экспертлик таъминотига оид муносабатларни комплекс тартибга солувчи "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари экспертизаси тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш;

Иккинчидан, экспертиза ўтказиш тартиби ва методологиясини ривожлантириш. Экспертиза ўтказишнинг алоҳида турларини (илмий, иқтисодий, жамоат-чилик ва бошқалар) ўтказиш бўйича низом ва тартибларни ишлаб чиқиш;

Учинчидан, қонун ижодкорлигида экспертлик амалиётини кенгайтириш ва экспертик текширувларининг таъсир-чанлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Қонунлар лойиҳа-ларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасига

киритиш тартиби тўғрисида"ги қонунига Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳасига илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхатига қонун лойиҳаси бўйича ўтказилган экспертлик хулосалари нусхалари ҳам киритиш лозим;

Тўртинчидан, онлай режимда ишлайдиган, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг электрон дастурини ишлаб чиқиш лозим. Ушбу дастурга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳа-ларининг электрон шаблонларини, юридик атамалар базаси ва қонунчилик техникаси қоидаларига оид маълумотлар базасини жойлаштириш лозим. Ушбу дастурдан барча давлат органлари фойдаланиш имконияти назарда тутилиши лозим;

Бешинчидан, қонун ижодкорлиги илмий экспертизасини ўтказиш амалиётини такомиллаштириш лозим. Яъни, Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонунига "Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг илмий экспертизаси" деб номланган моддани киритиш. Унда ушбу экспертизанинг мақсади ва уни амалга оширувчи субъектлар доирасини белгилаш лозим.

Юқорида кўтарилган масалаларни инобатга олган ҳолда, қонун ижодкорлигининг жамият ҳаётига бўлган таъсиридан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, бу соҳадаги фаолият доимо такомиллаштириб борилиши лозим. Ўз навбатида, барча ислохотлар қонунчилик базасини шунга мос равишда ўзгартиришни, вужудга келадиган муаммоларни тез ва сифатли ҳал қилиб боришни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Указ Президента Республики Узбекистан "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан" // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.
2. Титов Н. С. Цели, задачи и функции экспертизы нормативных правовых актов. Актуальные проблемы экономики и права. - Пермь, 2015. № 3. - С. 217.
3. Национальная база данных законодательства Республики Узбекистан // www.lex.uz
4. Короткова О.А. Экспертиза законопроектов и законодательных актов: теоретико-правовой аспект: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук - М.: 2010. - С. 9.
5. Нажимов М.К. Сайдуллаев Ш.А. Қонунчилик техникаси. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДЮИ, 2008. - Б. 87. 89.
6. Жумаев А., Кушакаев Б. Қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш муаммолари. -Тошкент: Олий суд ахборотномаси 2006, № 2. - Б. 28., Адилкариев Х.Т., Рустамов П.А. Научно-информационное обеспечение законотворчества в Республике Узбекистан // Ҳуқуқ - Право - Law. - 2000, № 3. - 4-11-бетлар; Леоненко Л.Т. Законодательная техника: учеб. пособие. ? Новосибирск, СибАГС, 2015. ? С. 276. Татишвили Т.М. Конституционно-правовые аспекты экспертного сопровождения законодательной деятельности: Дис. ... канд. юрид. наук - Москва, 2016. - С. 33.
7. Ўзбекситон Республикасининг "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонуни / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон.
8. Нажимов М.К. Сайдуллаев Ш.А. Қонунчилик техникаси. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДЮИ, 2008. - Б. 89.
9. Тихомиров Ю.А. Правотворчество. Общая теория государства и права. Академический курс. - М.: 1998. - С. 157-173.
10. Радулгин Н.В. Правовая экспертиза проектов федеральных законов. - М.: 2001. - С. 16.
11. Муҳамедов Ў. Қонун ҳужжатлари лойиҳалари экспертизасининг назарий ва амалий муаммолари // "Қонунчилик ҳужжатларини экспертиза қилиш муаммолари" мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари / Масъул муҳаррир: Ф.Ҳ.Отахонов. - Т.: 2005. - Б. 6-7.
12. Татишвили Т.М. Международный опыт экспертного обеспечения законотворчества. Вестник Московского университета МВД России. ? М.: 2015, № 1. - С. 58.
13. Изоҳ: Айрим мамлакатларда қонун чиқарувчи органлар мажмуи номи.
14. Annual report Congressional Research Service Fiscal Year 2016. - Washington: Library of Congress. 2017. - P.1. Манба: www.loc.gov
15. Қаранг: Романов А.К. Правовая система Англии. Учеб.пособие. - М., Дело, 2000. - С. 146.
16. <http://www.parliament.uk/mps-lords-and-offices/offices/commons/commonslibrary/>
17. www.clb.go.jp
18. Хусанова М. Теоретические аспекты совершенствования аналитического обеспечения законотворческого процесса. ? Ташкент, Вестник Высшего хозяйственного суда, 2011 год №1. - С. 12.
19. parliament.gov.uz